*ВЦСПС ПРЕЗИДИУМИДА*

# ҚАТЪИЙ ИШЧИ НАЗОРАТИ БЎЛСИН

**ВЦСПС ПРЕЗИДИУМИ «САВДО, УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ ВА МАИШИЙ ХИЗМАТ СОҲАСИ КОРХОНАЛАРИ ҲАМДА ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИШИ УСТИДАН КАСАБА СОЮЗЛАРИНИНГ ИШЧИ НАЗОРАТИНИ КУЧАЙТИРИШГА ОИД ЭНГ ЗАРУР ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА» ҚАРОР ҚАБУЛ ҚИЛДИ.**

Қарорда таъкидланадики, халқ истеъмол моллари, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бирмунча кўпайган ва маиший хизмат соҳаси кенгайган бўлишига қарамай, кейинги вақтларда савдо ва маиший хизмат қоидаларини жиддий бузиш оқибатида меҳнаткашларни саноат ва озиқ-овқат моллари, маиший хизмат билан таъминлаш соҳасидаги ишларнинг аҳволи жуда кескинлашди.

Жойлардаги ишларнинг ҳолатини текшириш, гражданларнинг марказий ва маҳаллий органларга, ВЦСПСга, оммавий ахборот органларига қилаётган мурожаатлари шундан далолат берадики, аввало совуққонлик ва суиистеъмол ҳоллари, моллар ва маҳсулотларни яшириб қўйиш, уларни чайқов қилиш ва ўғирлаш, уларни асраш ва ташиш пайтида кўп миқдорда бузиш ва исроф қилиш фактлари оқибатида кундалик керак бўладиган моллар ва маҳсулотлар, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар савдосини ташкил этишда, ишлаб чиқаришда иссиқ овқатни уюштиришда, аҳолига зарур хизматни кўрсатишда катта камчиликлар рўй бермоқда.

Қарорда кўпгина корхона ва ташкилотларнинг касаба союз комитетлари ишлаб чиқаришда иссиқ овқатни йўлга қўйишни яхшилаш, меҳнаткашларнинг иш жойида савдо ва маиший хизматни кенгайтириш тўғрисида чинакам ғамхўрлик қилмаётганликларига, бу ишдаги камчиликларни тугатиш тўғрисидаги ҳақли мулоҳазалар ва талабларга жавобан чора кўрмаётганликларига эътибор қаратилади.

Касаба союз советлари ва комитетларининг ишчи назорати комиссиялари текширишларни аҳён-аҳёнда олиб бормоқдалар, бу текширишларга кенг активларни жалб этмаяптилар. Аниқланган камчиликлар юзасидан кўрилаётган чоралар кўпчиликка маълум қилинмаяпти ва ўртага қўйилган мақсадга эришилмаяпти.

Вужудга келган вазият, дейилади қарорда, тегишли тартиб ўрнатиш учун кескин чоралар кўришни, меҳнаткашларнинг кенг оммасини бу ишга жалб қилишни талаб этади.

В. И. Ленин моллар ва маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда тақсимлашни назорат қилиш умумхалқ иштирокида, зўр ғайрат билан, оммавий, ихтиёрий тарзда, миллион-миллион ишчи ва деҳқонлар қўллаб-қувватловчи революцион шижоат билан ўтказилиши кераклигини неча марталаб таъкидлаган эди.

Ишчи назоратини кучайтириш зарурлиги тўғрисидаги талаб партия XXVII съездининг, КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясининг материалларида ўз ифодасини топди ва янада ривожлантирилди.

Меҳнаткашларнинг туб манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, социал адолат принципини қарор топтириш мақсадида ВЦСПС Президиуми савдо ва умумий овқатланиш, маиший хизмат соҳаси корхоналари ҳамда ташкилотларининг фаолияти устидан меҳнаткашларнинг жуда кенг оммаси иштирокида ҳақиқий, кундалик ва чинакам оммавий ишчи назоратини қайта тиклаш асло кечиктириб бўлмайдиган зарур иш деб ҳисоблайди.

ВЦСПС Президиуми касаба союзлари советлари ва комитетлари корхона ва ташкилотларнинг касаба союз комитетлари зиммасига савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат корхоналари ҳамда ташкилотлари устидан касаба союзларнинг ишчи назоратини кучайтириш юзасидан зарур чораларни кўриш вазифасини юклади.

Шу мақсадда ишчи назоратига ўз ўртоқларининг ва умуман жамиятнинг манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида ҳақиқатга, социал адолатга заррача хиёнат қилмайдиган энг обрўли ва актив, ишни биладиган, принципиал ҳалол ходимларни жалб қилиш таклиф этилади.

Қарорда савдо, умумий овқатланиш ва маиший хизмат корхоналари ҳамда ташкилотлари ишини мунтазам, кун сайин текшириб, кузатиб бориш мақсадида касаба союзлари советлари ҳузурида штатдаги касаба союз ходимлари ва жалб этилган активлар орасида таъсирчан ишчи назоратини ташкил этиш, унинг куч-ғайратларини халқ депутатлари маҳаллий Советлари, халқ контроли органлари, «Комсомол прожектори», давлат савдо инспекцияси, санитария, ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ҳамда бошқа давлат ва жамоат ташкилотларининг куч-ғайратлари билан бирлаштириш кўзда тутилади.

Ишчи назоратчининг куч-ғайратлари ишчи ошхоналарида сифатли овқатланишнинг ташкил этилишини текширишга қаратилиши керак.

Кундалик ва кўплаб талаб қилинадиган моллар сотиладиган магазинларда харидорларга маданий хизматнинг ташкил этилишини, савдо тармоғи пештахталарида омборлар ва базалардаги молларнинг борлигини, нарх интизомига, савдо қоидаларига ҳамда маҳсулотлар ва саноат молларининг сақланишига риоя этилишини назорат қилиш лозим.

Маиший хизмат корхоналарини текшириш вақтида ишчи назоратчилар бутун куч-ғайратни хизмат нархи ва тарифларига, буюртмаларни бажариш муддатлари ва сифатига, иш режимининг қулайлигига, буюртмачиларга қандай муомала қилинаётганлигига, корхоналарнинг берилган разрядга муносиблигига қаратишлари керак.

Ишчи назоратчилар маҳсулотлар ва халқ истеъмол молларини тақсимлашдаги бузишлар ва суиистеъмолларни тугатиш учун зўр ғйрат билан таъсирчан чоралар кўришлари, камчил молларнинг меҳнат коллективларида магазинлар ва буюртма столлари орқали жамоат назорати остида сотишни кенгайтиришга, корхоналарда савдо қилишнинг кўчма усулидан кенгроқ фойдаланилишига эришишлари лозим.

Қарорда савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат корхоналари ҳамда ташкилотларини текшириш учун юқори малакали мутахассисларни жалб қилиш таклиф этилади. Улар қилган иш учун меҳнат ҳақини касаба союз бюджетининг маблағи ҳисобидан тўлашга ижозат берилди.

Касаба союз советлари ва комитетлари ишчи контролерларининг текшириш натижаларига қараб касаба союзлари номидан савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат соҳасида амалдаги қоидаларни бузишда айбдор бўлган ходимларга нисбатан қаттиқ чоралар кўрсинлар, айниқса, ўғирлик қилганлик ва камчил молларни яшириб қўйганлик, тарозидан, пулдан урганлик, алдаганлик, аҳолини моллар ва маҳсулотлар билан таъминлашда сунъий қийинчиликларни келтириб чиқарганлик учун, касаба союзларининг ишчи назоратини писанд қилмаганлик ва унга қаршилик қилганлик учун ишончсизлик билдириш, касаба союз аъзолари сафидан чиқариш чоралари ҳам кўрилсин.

Касаба союзларининг ишчи назорати суиистеъмолга йўл қўйган, моддий бойликларнинг бузилиши ва исроф бўлишида айбдор бўлган шахсларга нисбатан жамоат нафрати ва принципиал муросасизлик вазиятини вужудга келтириши, ишчи назорати очиб ташлаган салбий фактларни ошкора эълон қилиши ва улар қандай тугатилаётганини ёритиб бориши, зарур ҳолларда эса материалларни тергов органларига топшириши лозим. Бу масалалар меҳнат коллективларининг ишчи йиғилишларида кенг муҳокама қилиниши керак.

Шу билан бирга, деб таъкидланади қарорда, харидорлар ва буюртмачиларга намунали ва маданий хизматни таъминлаган, ўз ишига ташаббускорлик билан ижобий ёндашган, совет кишиларининг кундалик эҳтиёжларига ғамхўрлик ва эътибор билан қараётган савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат соҳасининг энг яхши ходимлари ҳар томонлама рағбатлантирилсин ва қўллаб-қувватлансин.

Оммавий ахборот органлари билан оператив кундалик алоқа боғлаб туриш учун касаба союзлари советларига тегишли жамоат матбуот марказларини тузиш тавсия этилди. Савдо ва маиший хизматдаги, умумий овқатланишдаги камчиликлар хусусидаги шикоятларни касаба союз советлари ва комитетларига қайси телефонлар орқали маълум қилишдан аҳоли кенг хабардор этилиши; шикоят ва аризаларни қабул қилиш ҳамда кўриб чиқиш учун касаба союз ташкилотлари, касаба союз комитетлари ходимларининг навбатчилик қилиш графиклари белгилаб қўйилиши лозим.

Вужудга келган вазиятда савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат корхоналари ва муассасаларининг фаолияти устидан касаба союзларининг ишчи назоратини тубдан яхшилаш соҳасидаги бутун ташкилотчилик ишига раҳбарлик қилишни мамлакат касаба союз органларининг биринчи раҳбарлари, шу жумладан, республикалар, ўлкалар ва областларда шахсан касаба союзлари советларининг раислари зиммасига юклатиш зарур, деб топилди.

Корхоналарда, муассасаларда ва ташкилотларда сифатли овқатланишнинг ташкил этилиши устидан шахсий жавобгарлик шахсан касаба союз комитетларининг раислари зиммасига юклатилди.

Қарорда маориф, олий мактаб ва илмий муассасалар ходимлари, медицина ходимлари, давлат муассасалари ходимлари касаба союз советларига, касаба союз комитетларига мактаблар, ҳунар-техника билим юртлари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари, мактабгача тарбия муассасалари, қариялар ва инвалидларнинг интернат-уйлари, даволаш муассасалари ошхоналарининг ишини доимий назорат остига олиш таклиф қилинди.

Касаба союзлари советлари моллар ва хизматлар камчиллиги сабабларини аниқлашлари, зарур моллар ва маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, ёрдамчи қишлоқ хўжаликларини, коллектив боғдорчилик ва полизчиликни ривожлантириш масалаларини меҳнат коллективлари, министрликлар, маҳаллий Совет ва хўжалик органлари билан биргаликда кўриб чиқишлари, уларнинг маҳсулотидан умумий овқатланишни ва меҳнаткашларга савдо хизматини яхшилаш учун фойдаланишлари лозим. Уларнинг олдига умумий овқатланиш системасида гўшт ва сут маҳсулотлари фондларининг ажратилиши ва фойдаланилишини таҳлил этиш, халқ депутатлари Советлари орқали корхоналар, ўқув, медицина, мактабгача тарбия муассасаларининг ошхоналарини шу маҳсулотлар билан биринчи навбатда таъминлашга эришиш, ўзларининг ёрдамчи хўжаликларига эга бўлган меҳнат коллективларининг умумий овқатланиши учун гўшт ва сут маҳсулотлари бозор фонди камайтирилишига йўл қўймаслик вазифаси қўйилди.

Кооперация тўғрисидаги СССР Қонунига мувофиқ, касаба союз советлари халқ депутатлари маҳаллий Советларининг давлат савдоси ва матлубот кооперацияси чакана тармоғида кооперативларга сотилиши мумкин бўлмаган етишмай турган ва камчил озиқ-овқат ҳамда саноат молларининг рўйхати тўғрисида қарор қабул қилишларига эришишлари керак.

Касаба союз советлари хўжалик органлари, халқ депутатлари Советлари билан биргаликда моллар ва хизматлар нархи ҳамда тарифлари асосли белгиланиши ва тўғри қўлланилиши устидан назоратни таъминлашлари зарур. Регионларда ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат молларининг нархлари ҳамда кўрсатилаётган хизматларнинг тарифларини белгилаш ва уларнинг даражасини ўзгартириш практикасига алоҳида эътибор бериш, янги маҳсулотларнинг нархларини асоссиз ошириш, арзон моллар ишлаб чиқариш ҳажмини қисқартириш ёки тўхтатиб қўйиш йўлидаги уринишларига қаршилик қилиш лозим.

Давлат савдоси ва матлубот кооперацияси ходимлари, маҳаллий саноат ва коммунал-маиший корхоналар ишчилари касаба союзларининг комитетлари савдо, умумий овқатланиш, маиший хизмат корхоналари ходимлари ва коллективларининг ижобий тажрибасини аниқлаб, оммалаштиришлари зарур. Хўжалик органлари билан биргаликда кадрларнинг мустаҳкам ўрнашиб қолишига, савдо ва маиший хизмат ходимлари касбларининг обрўсини оширишга, уларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилашга кўмаклашилсин.

(«ТРУД» газетасининг 28 сентябрь сонидан).

---

*«Совет Ўзбекистони» мухбирлар пости хабар қилади:*

## Янги мактаблар

**● Ильич районидаги Ғафур Ғулом номли совхозда 624 ўринли янги типовой мактаб биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди.**

Бинони «Голодностепстрой»га қарашли 14-механизациялашган кўчма колонна қурувчилари бунёд этишди. Мактабда замонавий фан кабинетларидан ташқари спорт ва актив заллари, ўқув-ҳарбий қурилмалари ҳам ишга туширилди. Янги мактаб 1-сентябрда ўқувчиларни ўз бағрига олди.

Шунингдек, «Голодностепстрой»га қарашли 9-механизациялаш кўчма колонна «Октябрь 60 йиллиги» совхози меҳнаткашлари фарзандларига 624 ўринли янги мактаб биносини, 22-трестга қарашли совхозларaро механизациялашган кўчма колонна эса Титов номли совхоздаги У. Юсупов номли 14-ўрта мактабга 320 ўринли қўшимча мактаб биноси қуриб бердилар. Шу муносабат билан мазкур мактабларда янги ўқув йилидан бошлаб ўқитиш бир сменага кўчирилди.

## Бахмал гиламининг довруғи қани

**● Ғаллаорол район саноат комбинатига қарашли Бахмал гилам тўқиш цехи 1980—1985 йилларда чиройли гилам тўқиб чиқариб, республикамизда донг таратган эди. Цехда замонавий тўқиш ускуналари, етарли хом ашё мавжуд эди. Ён-атрофдаги қишлоқлардан саксондан ортиқ маҳаллий миллат қизлари ишлаб чиқаришда иштирок этарди. Хуллас, узоқ тоғ орасидаги бу қишлоқ гиламчи чеварларининг ишига ҳамма ҳавас қиларди.**

Энди-чи? Бугунги кунда цехдаги 28 ишчидан ярмисинигина ишда кўриш мумкин. Қолганлари йўлнинг узоқлиги, транспорт ажратилмаганлиги, моддий ва маиший шароитлар яратилмаганлиги туфайли ишга келолмаяптилар.

— Цехда хом ашё турлари, ҳар хил рангли арқоқлар етишмайди, — деди цех бошлиғи Бахмал Бозоров. — Шароитимиз мутлақо талабга жавоб бермайди. Ўтган йил қишда цехнинг бир томони қулаб тушди. Деворлар нураган. Бир пайтлар 32-автобаза бизга махсус автобус ажратган эди. Битта жиҳозланган юк автомашинаси ҳам хизматимизда эди. Бу транспорт воситаларини биздан олиб қўйишди. Ишчиларга моддий шароит яратилмаган. Аммо Бахмал гиламларига талаб кучайиб бормоқда.

Бундай аҳволга собиқ Жиззах область маҳаллий саноат бошқармаси бошлиғи Д. Муҳиддинов, Ғаллаорол район саноат комбинати директори Б. Акрамовлар нима деб жавоб бераркинлар?

**Рауф РАҲИМҚУЛОВ,**
**мухбирлар пости бошлиғи.**

---

*1 октябрь—Хитой Халқ Республикаси эълон қилинган кун*

## БАЙРАМ ШАРАФИГА

А. Навоий номли Ўзбекистон ССР давлат кутубхонасида очилган китоб-расм кўргазмаси Хитой халқининг миллий байрами — республика эълон қилинган кунга бағишланди. Мазкур мамлакатнинг тарихи, экономикаси ва маданияти билан таништирадиган экспозицияга юздан ортиқ нашр қўйилган.

Китоблар орасида дастлабки Хитой революционерлари — Цунь Ятсен, Ляо Чжункайнинг танланган асарлари бор. ХХРнинг бадиий адабиёти қадимий Хитой классиклари ва ҳозирги замон ёзувчиларининг асарлари орқали кенг тақдим этилган. Мана шу барча нашрлар Хитой Фанлар академияси ва Пекин университети кутубхоналаридан юборилган.

Ўтган асрда Россияда нашр этилган Хитой тўғрисидаги материаллар, совет шарқшунос олимларининг асарлари катта қизиқиш уйғотмоқда.

**(ЎзТАГ мухбири).**

# КЎПРИК

## Адабий дўстлик— абадий дўстлик

Рус хитойшунослиги тарихида бадиий таржима санъатининг роли бениҳоя катта. XVIII асрнинг бошида Пекинда ташкил этилган «Россия диния миссияси» бу борада етакчи ўрин эгаллайди. «Россия диния миссияси биринчи планга таржима маданиятини тиклаш — хитой, манжур тилларини системали ўрганиш, хитой маданиятини тадқиқ этиш масалаларини қўйиб, махсус «Таржимонларни тайёрлаш олий курси»ни ташкил этади. Курс программасига хитой ва манжур тилларини назарий ва амалий ўрганиш, шу маънода рус—хитой маданий алоқаларини ривожлантириш, айни вақтда Россияда хитой, манжур тилларини ўрганиш заминини тайёрлаш масалалари киритилади. Курс таълими жараёнида бир қатор таржима назариясига доир тадқиқотлар эълон қилинади. Семинарлар, ҳар хил йиғилишлар йўли билан ахборотлар нашр этилади. Ниҳоят тез орада таржимонлар етишиб чиқади.

Рус хитойшунослигининг таржима санъати сардорлари Н. К. Россохин, А. Л. Леонтьев, А. Аграфонов, В. М. Алексеевлар тарихда рус ва хитой маданий, иқтисодий, ижтимоий алоқаларини ривожлантиришда, истеъдодли таржимонлар етиштиришда фидойилик кўрсатдилар.

И. К. Россохин, В. Владикинлар Россияга қайтиб келиб хитой, манжур тилларини ўрганиш бўйича махсус курс очдилар. Шу билан Россияда хитойшунослик фан сифатида шаклланди. Айниқса, Н. Я. Бичурин 1808 йил Пекинда «Россия диния миссияси»нинг 9-раҳбари (курс директори) бўлиб тайинланиб, 14 йил хитой тилини, шу тил орқали хитой маданиятини, этнографиясини жиддий ўрганади, илмий асарлар яратади. Қадимги хитой ёзма ёдгорликлари тарихига доир материалларни синчиклаб тадқиқ этади. Улар асосида умумий махсус характерда яратилган «Русча—хитойча луғат», «Хитой ва унинг аҳолиси, урф-одатлари ва маорифи», «Пекин тасвири», «Мўғулистон ҳақида қисқа маълумотлар» ва хитой адабиёти, тарихи, тили этногенезиси масалаларини қамраб олган бошқа асарлар адабий жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотади. Хитойшунослар учун бадиий адабиёт тарихини ўрганишда асосий замин бўлиб қолади. Н. Я. Бичуриннинг хитой маданияти, тили, адабиётига улкан меҳр-муҳаббат билан ёндашган издошлари П. Кафоров ва академик В. П. Васильевлар рус хитойшунослигининг оталари сифатида катта шуҳрат қозонган.

Н. Я. Бичурин, В. П. Васильев анъаналарини рус хитойшуносларининг иккинчи авлоди ҳисобланган С. М. Георгиевский, А. И. Ивановский, П. С. Попов, И. Н. Захаровлар давом эттирди. Улар хитой адабиётини, бу адабиётнинг машҳур намоёндалари асарларини кенг миқёсда ўрганди ва рус тилига таржима қилиб, Россия халқларига таништирди.

Бизнинг давримизга келиб совет хитойшунослиги бутун бир жамият — мустақил хитойшунослик жамиятига уюшди. Таржима санъати ривожланди. Хитойнинг қадимги ва янги давр адабиёти мунтазам таржима қилинадиган, кенг тарқаладиган бўлди. Хитой шеъриятининг фахри ҳисобланган Чжуй Йи Ван, машҳур тарихчи Си Мо Чан, романнавистлар Лю Гиван Чунг, Шинай Ай, шоирлар Ли Бай, Дофо ва бошқа юзлаб ижодкорлар асарлари рус тилига ва бу тил орқали СССРдаги қардош халқлар тилларига ағдарилиб, кўп минг тиражларда чоп этилди. Айни вақтда хитой китобхонлари инглиз тили орқали А. С. Пушкин, Л. Толстой, Н. В. Гоголь, А. Н. Островский, Н. Г. Чернишевский, А. Н. Герцен, Н. А. Некрасов, И. С. Тургенев, А. П. Чехов, А. М. Горький, В. Маяковский, Д. Фурманов, С. Есенин, М. Шолохов асарларидан баҳраманд бўлишди, кейинчалик бу адибларнинг асарлари хитой тилига ҳам таржима этилди.

Маълумки, халқлар миллатлараро алоқа воситаси бўлган таржима санъати адабий алоқа, адабий таъсир ва ўзаро адабий бойиш самарадорлигини таъмин этади. Шу маънода адабий-бадиий таржима ўзига хос кўприкдир.

Маълумки, уйғур—ўзбек халқларининг маданий-иқтисодий, ижтимоий муносабатлари қадим даврларга бориб тақалади.

Бахтли ҳаёт, озодлик ва мустақиллик йўлида асрлардан бери қўлни-қўлга бериб чет эл босқинчилари, маҳаллий золимлар истибдодига қарши мардона курашиб келган уйғур ва ўзбек халқларининг адабиёти ва санъати мазмунан муштараклиги, шаклан яқинлиги билан икки қардош халқнинг қадимий дўстлигини, тақдирдошлигини намоён этади. Адабий дўстликнинг теран илдизлари ипак йўли тикланишдан аввалроқ давом этганини ёдномалар кўрсатиб беради. Уйғур — ўзбек халқларининг куйлари, мақомлари бир-бирига муштарак. Тилларимиз, урф-одатларимиз, эътиқодларимиз, тақдирларимиз бир-бирларига яқин ва монанддир. Буларнинг ҳаммаси заҳматкаш қардошлигимизнинг мангуликка дахлдор хотиралари, ёдномалари рамзидир. Ҳеч шубҳасизки, икки халқнинг тарихи ҳам, тиллари ҳам, ниятлари ҳам узвий боғланган.

Кейинги йилларда икки халқ маданий алоқалари янада мустаҳкамланди. Турли касб аҳилларидан (адиблар, санъаткорлар, журналистлар, илм-фан намояндаларидан) иборат делегациялар ташрифи, кўргазмалар уюштириш, қариндош-уруғларнинг борди-келдилари одат тусига кириб қолди. Матбуот, радио, телевидение ва бошқа воситалар орқали амалга оширилаётган дўстона алоқалар ҳар икки халққа маданий-маънавий рағбат бахш этмоқда. Ўзбек совет адабиётининг асосчилари Ҳамза ва Абдулла Қодирий, таниқли адиблар Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Ғафур Ғулом, Ҳ. Олимжон, Миртемир, Уйғун, Шайхзода, Зулфия ва бошқаларнинг асарлари севиб ўқилмоқда ва оммавий тарзда таржима этилмоқда.

Ҳозирги замон уйғур шеъриятининг байроқдорларидан бири бўлган шоир Тийибжон Алиев улуғ шоир Навоийнинг 267 ғазали шарҳи билан алоҳида тўплам ҳолида (1983, Ўрумчи. Халқ нашриёти) чоп эттиргани катта воқеа бўлди. Навоий «Ҳамса»сини шарҳи билан нашр этишдек хайрли иш бошлаб юборилган.

Синьцзян уйғур автоном районида яшаётган 6 миллион уйғурлар Ўзбекистонга, ўзбек адабиёти ва санъатига юксак меҳру муҳаббат билан қарайдилар. Олимжон Оноят, Мамад Дугайли, Дарё Ҳасан, Ёсин Ҳавозий, Талъат Носирий, Аблимид Содиқ, Мусо Айсо, Жоппор Амас, Ҳурнисо Турдиқизи каби ўнлаб истеъдодли таржимонлар ўзбек адабиётини таржима қилиш мактабини яратмоқдалар. Биргина мисол, А. Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романини уйғурлаштиришганда (1986) ёзувчининг ҳаёти ва ижодий фаолиятига хос даврга тегишли бўлган текстлар билан бирга бир қанча нашрий вариантларига мурожаат этиб, ноаниқликлар, ҳарфий хатоларгача жиддий аҳамият берганлар. Қашқар уйғур нашриёти О. Ёқубовнинг «Диёнат», Ўрумчи Халқ нашриёти Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзғолони» (1988) асарларини таржима қилишганда ана шундай масъулият билан иш кўришган.

Шуниси қувончлики, уйғурлар элида нашриётчилик анча кенг тараққий этган. Ўрумчида 12 нашриёт, Қашқарда икки нашриёт ва ҳар бир вилоят (област)да бир нашриёт, Назоратлар (министрликлар)да алоҳида нашриётлар ишлаб турибди. Ўрумчида адабий-бадиий 6 журнал (Буларнинг 3 таси тўплам), Қашқарда 2 журнал ва ҳар бир вилоятда бир журнал («Ёшлик» формати ва ҳажмида) нашр этилади. Чет эл адабиёти бўйича катта («Шарқ юлдузи» ҳажмида) учта тўплам «Дунё адабиёти», «Баҳор шабодалари» (Ўрумчи), «Гулистон» (Пекин) таржима санъатига бағишланган. «Кўприк» журнали Хитой адабиёти бўйича таржималарни амалга оширади.

Ўрумчи Халқ нашриёти мунтазам чоп этаётган «Баҳор шабодалари» адабий таржималар тўпламида Л. Толстойнинг «Базмдан сўнг» ҳикояси, Крилов масаллари, С. Есенин шеърлари эълон қилинган. Синьцзян ёзувчилар органи «Торим» журналининг айрим сонларида ўзбек шоирларининг шеърлари босилиб келмоқда.

Хўтан вилоят ёзувчилар органи «Янги Қош тоши» адабий журналида (№ 1, 1988) Абдулла Ориповнинг ўн, Эркин Воҳидовнинг уч шеъри, «Булоқ» тўпламида Тўхтасин Жалоловнинг «Икки шоиранинг адабий меросини излаб» илмий мақоласи чоп этилган.

1989 йилдан бошлаб ўзбек совет адабиёти бисотидаги йирик асарларни, роман, повестларни алоҳида-алоҳида китоб ҳолида нашр этиш планлаштирилган.

Миллий хислатлар, бадиий тафаккурдаги кенгликларнинг ранг-баранглиги, такомили таржима санъатига монанд фазилатдирки, бу кўприк халқлар дўстлигини абадийлаштиради.

**Осим БОҚИЕВ,**
**филология фанлари кандидати.**



Бойсун районидаги «Дербент» йилқичилик совхози коллективи шу йилдан бошлаб хўжалик юритишнинг янги формаси — оила пудрати ва чек системасида ишламоқда. Бу усул Халил Бойматов бошлиқ бригадада яхши самара бермоқда.

Суратда: Моҳир йилқичи Халил Бойматов.

В. ЛЕШЧЕНКО фотоси (ЎзТАГ).

---

# ГАЗЕТХОН:

ХАБАР ҚИЛАДИ:

## КАВАРДОНДАГИ ТОПИЛМАЛАР

**✦ Тошкент областининг кўҳна Кавардон шаҳарчаси бир неча йилдирки, археологлар томонидан ўрганилмоқда.** Бу ерда тошдан ясалган меҳнат қуроллари — пичоқлар, рандалар, эрамизгача VI—VII асрларда ясалган сопол буюмлар топилди.

Топилмалар орасида X—XI асрларга оид ойнадан ишланган бадиий буюмлар археологлар эътиборини жалб этмоқда. Бу буюмлар кўпгина мамлакатлар, жумладан Хитойда жуда қадрланган. Қазиш ишларида турли хил металлардан тайёрланган билакузуклар ҳам топилди.

**П. СИЛИН.**

## ЯНГИ ШИФОХОНА

**✦ «Оқдарё» совхози территориясида юз ўринли замонавий типда қурилган янги шифохона беморларни қабул қила бошлади.** Учта бўлимдан иборат мазкур шифо масканида даволанувчилар учун ҳам шарт-шароитлар мавжуд. Оғир беморларга интенсив ёрдам кўрсатиш хонаси ҳам керакли дори-дармонлар, замонавий асбоб-ускуналар, турли аппаратлар билан жиҳозланган. Шифохонада беморларнинг медицинага оид маълумотлар олиши учун алоҳида санитария бурчаги ташкил қилинган. Бундай типовой шифохонани қуришда Боғизағон 1-механизациялашган кўчма колоннаси бунёдкорларининг хизмати катта.

**Т. ШОМИРЗАЕВ.**
**Самарқанд области.**

## ДЎСТЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАБ

**✦ Дробичев чет тиллар педагогика институти билан Бухоро давлат педагогика институти немис тили кафедралари ўртасида ҳамкорлик кучайиб бормоқда.** Бундай ҳамкорлик туфайли ҳар икки олий ўқув даргоҳида илмий мақолалар, методик ишланмалар ва кафедра ўқитувчилари томонидан ёзилган қўлланмаларни айирбошлаш кўзда тутилган. Бу ўзбек ва украин дўстлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

**Д. ЕРЕМЯН.**

ТАНҚИД ҚИЛАДИ:

## ТАБИАТГА ҲУРМАТ ШУМИ?

**✦ Яқинда Андижон область Хўжаобод районидаги «Ширмонбулоқ» дам олиш зонасига боргандик.** Дарвоқе, бу ерда оромгоҳлар кўп экан. Бироқ, табиат яратган бу манзилгоҳлар бугунги кунда аянчли аҳволда. Тош девор билан ўралган арклар бузилиб вайрон бўлган қалъага ўхшайди. Булоқ атрофларини ўт босган. Сувнинг юзи шох-шаббалар билан лиқ тўла. Тепадан оқиб кўлга тушаётган муздай сув турли ювиндилар натижасида кўпикланиб, қўланса ҳид чиқариб турибди. Ахир, кимдир шу ерга мутасадди қилиб тайинланган-ку.

**Т. ТУРДИЕВ,**
**Журналистика халқ университети тингловчиси.**
**С. ЭРГАШЕВ,**
**Фарғона область Қува район Совети депутати.**
**Т. ТУРДИЕВ,**
**Қува район Янгиқишлоқ қишлоқ Совети депутати.**

КУЮНИБ ЁЗАДИ:

## ЕССЕНТУКИ СУВИНИ ИЗЛАБ

**✦ Ҳар қандай бемор ўзига фойда, наф бўладиган озиқ-овқат маҳсулоти ва ичимлик сувларини яхши билади.** «Ессентуки-17» сувини ичиб, унинг давосини билганман. Чамаси ўн йиллар олдин дорихона ва ошхоналарда бу шифобахш сувни онда-сонда бўлса-да учратиш мумкин эди. Афсуски кейинги йилларда Самарқандда уни топиш мушкул бўлиб қолди. Мазкур фойдали ичимлик сувини келтириш наҳотки шунчалар қийин бўлса. «Ессентуки-17», «Нарзан», «Баржоми» каби сувларни қаердан топиш мумкин?

**Қ. БОТИРОВ,**
**меҳнат ветерани, ўқитувчи.**

МУАММО ҚЎЯДИ:

## БОҒЧАЛАР КЎПАЙСА...

**✦ Эътибор қилинг-а, боғчада тарбияланиб сўнг мактабга борган боланинг билими уйда бўлган болага нисбатан ҳар жиҳатдан устун бўлади.** Боғчадан чиққан болаларнинг нутқи равон, бериладиган топшириқларни қабул қилиши ҳам яхшидир. Шундай экан, нима учун кичкинтойларни боғчага тўлиқ жалб этиш мумкин эмас? Жуда мумкин. Бино етишмайди, деган гап, бу, фақат лоқайдлик, холос. Мактабларнинг база ташкилоти раҳбарлари турғунлик йиллари даврига ўрганиб қолганлар. Ахир партия ва ҳукуматимиз мактабгача тарбия болалар муассасаларини қайта қуришни яхшилаш ҳамда янги боғча бинолари қуриш тўғрисида махсус қарорлар қабул қилдилар. Аммо, булар қоғозда қолиб кетаётир. Бизнингча, болалар боғчаларини кўпайтириш, зарур бўлганда айрим ташкилотларнинг бўшаётган биноларини уларга ажратиб бериш ҳақида ҳам ўйлаб кўриш вақти етди.

**А. САЙФУДДИНОВ,**
**Андижон области.**

